

- 
- Py
- O'z
- Ўз|Py
- 
- 
- 
- 
- 
- 
- 
- 

• **ЎРҚ-403-сон 11.04.2016**



Парламент назорати тўғрисида

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ  
ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

*Олдинги тахрирга қаранг.*

### **2-модда. Парламент назорати тўғрисидаги қонунчиликни**

Парламент назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг **Конституцияси**, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик иборатдир.

*(2-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

### **3-модда. Парламент назорати субъектлари**

Парламент назорати субъектлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади);

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, комиссиялари;

*Олдинги тахрирга қаранг.*

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари (бундан буён матнда фракциялар деб юритилади);

*(3-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон — 2020 йил 1 январдан кучга киради)*

Қонунчилик палатаси депутатлари;

Сенат аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

### **4-модда. Парламент назорати объекти**

*Олдинги тахрирга қаранг.*

Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг (бундан буён матнда Олий Мажлис палаталари деб юритилади) ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объектидир.

*(4-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас.

### **5-модда. Парламент назорати шакллари**

Парламент назорати шакллари қуйидагилардан иборат:

*Олдинги тахрирга қаранг.*

Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш;

*(5-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-590-сонли Қонуни тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2019 й., 03/19/590/4129-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш;

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 8-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш;

*(5-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 мартдаги ЎРҚ-527-сонли Қонунига асосан тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон — 2019 йил 1 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш;

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 9-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш;

*(5-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 августдаги ЎРҚ-631-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш;

Сенат мажлисларида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

*(5-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига асосан олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолияти масалаларига доир ҳисоботларини эшитиш;

*(5-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-666-сонли Қонунига асосан тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (бундан буён матнда Ҳисоб палатаси деб юритилади) ҳисоботини эшитиш;

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 11-моддаси.*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш;

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 19-моддаси учинчи — бешинчи қисмлари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(5-модданинг биринчи қисми саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 24-сон, 487-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш;

[LexUZ шарҳи](#)

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 13-моддаси.*

парламент сўрови;

[LexUZ шарҳи](#)

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 14-моддаси.*

Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

[LexUZ шарҳи](#)

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 15-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қонунчилик палатаси, Сенат кўмиталари томонидан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

*(5-модданинг биринчи қисми ўн учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

[LexUZ шарҳи](#)

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 16-моддаси.*

қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг кўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;

[LexUZ шарҳи](#)

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 17-моддаси.*

парламент текшируви.

[LexUZ шарҳи](#)

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 18-моддаси.*

Парламент назорати қонунга мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(6-модда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-590-сонли Қонунига асосан ўз кучини йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2019 й., 03/19/590/4129-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### **7-модда. Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси, Сенат Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий Мажлис палаталарига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни ҳар чорақда юборади.

Қонунчилик палатаси, Сенат Давлат бюджетининг ҳар чорақдаги ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, фракцияларнинг, Сенат аъзоларининг фикрлари ва таклифлари, Олий Мажлис палаталари масъул кўмиталарининг тегишли хулосалари эшитилади, муҳокамалар ўтказилади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Қонунчилик палатасига, Сенатга тақдим этади.

Қонунчилик палатаси, Сенат Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тегишинча фракцияларда,

Олий Мажлис палаталарининг кўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади.

Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, Олий Мажлис палаталарининг кўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар, Сенат аъзолари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот фракцияларда, Олий Мажлис палаталарининг кўмиталарида муҳокама қилинганидан кейин Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилади ҳамда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори билан тасдиқланади.

*(7-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-666-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон)*

### **8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш**

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Бош вазир томонидан Олий Мажлис палаталарига тақдим этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Фракциялар, Олий Мажлис палаталарининг кўмиталари Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва таклифлар Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши керак.

*(8-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон — 2020 йил 1 январдан кучга киради)*

Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 98-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни 38-моддаси иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 26'-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 25'-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### **8<sup>1</sup>-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш**

Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Олий Мажлис палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Фракциялар, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

*(8<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон — 2020 йил 1 январдан кучга киради)*

Қонунчилик палатаси, Сенат Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурини бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси, Сенат қарори Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

*(8<sup>1</sup>-модда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 мартдаги ЎРҚ-527-сонли Қонунга асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон — 2019 йил 1 апрелдан кучга киради)*

**9-модда. Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш**

Қонунчилик палатаси, Сенат зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисларида Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиши мумкин.

Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи қонунга мувофиқ парламент сўрови тартибда эшитилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 14-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Фракциялар, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари Бош вазирнинг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва таклифлар Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши керак.

*(9-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон — 2020 йил 1 январдан кучга киради)*

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалаларига доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши мумкин.

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 15-банди, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни 38-моддасининг тўртинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 8-моддаси биринчи қисмининг 15-банди, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 8-моддаси биринчи қисмининг 15-банди,*

*Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддаси.*

*Олдинги тахрирга қаранг.*

**10-модда. Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш**

Қонунчилик палатаси, Сенат зарур бўлган ҳолларда, ўз мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисидаги масаласи Қонунчилик палатаси томонидан фракциялар ташаббусига кўра, Сенат томонидан эса қўмиталарнинг ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда йилига икки марта эшитади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотини Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотини Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда йилига икки марта эшитади.

Сенат ҳар йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда эшитади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисида Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади. Ҳукумат аъзоларини эшитиш тўғрисидаги Қонунчилик палатаси, Сенат қарори олдиндан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш тўғрисидаги қарори эса тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда тегишинча ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси, Сенат қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича қарори эса тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади.

*(10-модда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 августдаги ЎРҚ-631-сонли Қонуни тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон)*

 LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрири) 38-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг*



2016 йил 29 январдаги 368-III-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти»нинг 218-моддаси.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### **10<sup>1</sup>-модда. Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш**

Қонунчилик палатаси, қоида тариқасида, бир ойда бир марта ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитади (бундан буён матнда «ҳукумат соати» деб юритилади).

«Ҳукумат соати»ни ўтказиш жадвали Бош вазир билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан белгиланади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳукумат аъзоларига саволлари Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан «ҳукумат соати»ни ўтказишдан камида ўн кун олдин Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Вазирлар Маҳкамаси саволлар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда «ҳукумат соати»да Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавоб берадиган ҳукумат аъзоларини белгилайди.

«Ҳукумат соати» якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилиниши мумкин.

### **10<sup>2</sup>-модда. Сенат мажлисларида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш**

Сенат ўз мажлисида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиши мумкин.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг кўмиталари ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисида Сенат қарор қабул қилади, қарор тегишли ҳокимларга олдиндан юборилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади.

*(10<sup>1</sup>-10<sup>2</sup>-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### **10<sup>3</sup>-модда. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш**

Сенат зарур бўлган тақдирда ўз мажлисида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда, ҳам бевосита, ҳам видеоконференцалоқа режимида эшитади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисида Сенат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан эшитувни ташкил этиш бўйича чоралар кўрилиши учун ушбу вазирликни олдиндан хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, унда ушбу раҳбарларнинг фаолияти

самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган Сенат қарори ўз ҳисоботи эшитилган шахсга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

*(10<sup>3</sup>-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-666-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон)*

### **11-модда. Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш**

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай ўз мажлисида Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ҳисоб палатасининг ҳисоботи дастлабки тарзда фракциялар шунингдек Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

*(11-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон — 2020 йил 1 январдан кучга киради)*

Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ҳисоб палатасига ва Сенатга юборилади.

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ҳисоб палатасининг ҳисоботини мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшитади.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ҳисоб палатасига ва Қонунчилик палатасига юборилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 17-банди, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг 17-банди, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 33<sup>3</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги 368-III-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти»нинг 240-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг 17-банди, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 32<sup>5</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-I-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти»нинг 54-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(12-модда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Қонунига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 24-сон, 487-модда)*

### **13-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Сенатга қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

*(13-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юборилади.

 LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 12-банди, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 12-банди, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 32<sup>3</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-1-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти»нинг 55-моддаси.*

 LexUZ шарҳи

*Шунингдек, қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни.*

#### **14-модда. Парламент сўрови**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қонунчилик палатаси, Сенат давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

*(14-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Парламент сўровини юбориш тўғрисидаги таклиф Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қўмиталар, фракциялар томонидан, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан, Сенат кўриб чиқиши учун эса, қўмиталар томонидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан киритилади.

*(14-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон — 2020 йил 1 январдан кучга киради)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига оғзаки жавобни тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида палаталар белгилаган муддатда беради.

*(14-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига ёзма жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим. Парламент сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади.

*(14-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 августдаги ЎРҚ-631-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон)*

Парламент сўровига ёзма жавоб Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Ёзма жавобнинг нусхалари тегишли палатанинг мажлисида ўқиб эшиттирилгунига қадар олдиндан Қонунчилик палатаси депутатларига, Сенат аъзоларига юборилади.

Парламент сўровига жавоб тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Қонунчилик палатаси, Сенат парламент сўрови муҳокамаси яқунлари бўйича қарор қабул қилади.

 LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги 368-III-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти»нинг 229 — 234-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2008 йил 26 августдаги 854-I-сон қарори билан тасдиқланган «Парламент сўровини амалга ошириш тартиби», Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 31-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-I-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти»нинг 52-моддаси.*

#### **15-модда. Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови**

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

Қонунчилик палатаси депутати давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан, Сенат аъзоси эса, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

*(15-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон — 2020 йил 1 январдан кучга киради)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади. Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади.

*(15-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 августдаги ЎРҚ-631-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон)*

 LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги*

*Қонунининг 32'-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги 368-III-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти»нинг 229 — 234-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2008 йил 26 августдаги 854-I-сон қарори билан тасдиқланган «Парламент сўровини амалга ошириш тартиби», Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 31'-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-I-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти»нинг 52-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунининг 38-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### **16-модда. Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш**

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари иш режаларига, Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ҳамда улар кенгашларининг қарорларига мувофиқ ўз мажлисларида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси, Сенат, уларнинг кенгашлари ва қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитиши мумкин.

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат органи, хўжалик бошқаруви органига юборилади.

*(16-модда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

 LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 18-моддасининг 11-банди, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 33<sup>4</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги 368-III-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти» 45-моддасининг 10-банди ва 243-моддасининг учинчи хатбошииси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 18-моддасининг 8-банди, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 32<sup>6</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-I-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти» 56-моддасининг учинчи қисми.*

### **17-модда. Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ вақти-вақти билан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганади. Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ўрганиш давомида давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосаларини, статистика маълумотларини ва бошқа маълумотларни сўраб олиши мумкин.

Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз мажлисларида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиши, шунингдек ўрганиш натижаларини Қонунчилик палатаси, Сенат кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қарорига мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади. Мониторингни амалга ошириш яқунлари Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари мажлисларида кўриб чиқиши мумкин.

*(17-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

### **18-модда. Парламент текшируви**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси, Сенат парламент текширувини ўтказиш учун тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг вакилларини, мутахассисларни, экспертларни ва олимларни комиссия ишига жалб этишга;

давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олишга;

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф қилишга.

Комиссия Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия тегишинча Қонунчилик палатасини ёки Сенатни бажарилган ишлар тўғрисида Қонунчилик палатаси, Сенат томонидан белгиланган муддатда хабардор қилади.

Парламент текшируви Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан ҳам ўтказилиши мумкин.

*(18-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 августдаги ЎРҚ-631-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон)*

 LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 22-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги 368-III-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти»нинг 50 — 56-моддалари, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 22-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси.*

## **19-модда. Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш**

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилади.

Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда кўриб чиқилади.

*(19-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 майдаги ЎРҚ-540-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.05.2019 й., 03/19/540/3167-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 12-банди, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 12-банди, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 32<sup>с</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-I-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти»нинг 55-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 153-II-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг йиллик ҳисоботини ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиш тартиби».*

 *LexUZ шарҳи*

*Шунингдек, қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни.*

## **20-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан парламент назоратини амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назоратини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунига** мувофиқ амалга оширади.

## **21-модда. Парламент назорати натижалари**

Парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича:

ҳуқумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши;

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни 38-моддасининг бешинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг амалга оширилиши самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклифлар ва тавсиялар киритиши;

*(21-модданинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маърузаларни, ҳисоботларни, ахборотни ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўрсатган ҳолда ушбу органларга маромига етказиш учун белгиланган тартибда қайтариб юбориши;

парламент назорати материалларини ваколатли давлат органларига ўз ваколатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун юбориши;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонунчиликни бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат қилиши;

*(21-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида тегишли давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига таклифлар ва тавсиялар киритиши;

*(21-модданинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

янги қонунчилик ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиши;

*(21-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

парламент назорати натижаларини эълон қилиши мумкин.

**22-модда. Парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва ижро этиш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

*(22-модданинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

парламент назорати субъектлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг кўриб чиқилиши ва ижро этилишини таъминлайди;

парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

таклифлар ва тавсияларни кўриб чиқиш натижалари ҳамда улар бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида парламент назорати субъектларига хабар қилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*



қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўради.

*(22-модданинг бешинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

### **23-модда. Парламент назорати субъектларининг мажбуриятлари**

Парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари:

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

давлат органларини, хўжалик бошқаруви органларини ҳамда уларнинг мансабдор шахсларини парламент назоратини ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар билан таништириши;

*(23-модданинг биринчи қисми иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслиги;

*(23-модданинг биринчи қисми учинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши учун тўсиқларни юзага келтирмаслиги;

*(23-модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши шарт.

*(23-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

 LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 98-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг иккинчи хатбоииси, Ўзбекистон Республикаси «Банк сири тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси.*

Парламент назорати субъектларининг зиммасида қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

### **24-модда. Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг мажбуриятлари**

*(24-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

Парламент назорати субъектлари парламент назоратини амалга ошираётганда давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари:

*(24-модданинг биринчи қисми биринчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

парламент назорати амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши;  
парламент назорати субъектларининг қонуний талабларини бажариши,  
шунингдек уларнинг фаолиятига тўқинлик қилмаслиги;

парламент назорати субъектларига парламент назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши, шунингдек уларнинг ишончлилиги ва холислигини таъминлаши шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент назорати субъектларининг парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларини кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни белгиланган муддатда хабардор қилиши шарт.

*(24-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг зиммасида қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

*(24-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

#### **24<sup>1</sup>-модда. Парламент назорати субъектларига Вазирлар Маҳкамасининг кўмаклашишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили парламент назорати субъектларига Вазирлар Маҳкамасининг кўмаклашишини таъминлайди, хусусан:

Давлат бюджети лойиҳасининг Олий Мажлис палаталари кўриб чиқиши учун тақдим этилишини таъминлайди;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг Олий Мажлис палаталарига тақдим этилишини таъминлайди;

*(24<sup>1</sup>-модданинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-666-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон)*

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Олий Мажлис палаталарига тақдим этилишини таъминлайди;

зарур бўлганда Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини Олий Мажлис палаталари томонидан эшитишни ташкил этиш чораларини кўради;

ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитишни ташкил этиш чораларини кўради;

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатининг ёки Сенат аъзосининг сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Олий Мажлис палаталари қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини Олий Мажлис палаталарининг кўмиталари томонидан ўрганиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чоралар кўради, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, мазкур йўналишдаги бошқа ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириб боради;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларининг улар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этилиши, Олий Мажлис палаталарининг, улар кенгашларининг қарорлари, қўмиталари ва комиссияларининг қарорлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитишда иштирок этади.

*(24'-модда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-536-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон)*

## **25-модда. Парламент назорати натижаларини кўриб чиқишнинг очиқлиги ва ошқоралиги**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Парламент назорати натижаларини кўриб чиқиш бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ҳамда улар органларининг мажлислари очиқ ва ошқора ўтказилади. Мажлисларга давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

*(25-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон)*

Зарурат бўлганда, Қонунчилик палатаси, Сенат ва уларнинг органлари ёпик мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Парламент назорати натижалари оммавий ахборот воситаларида ва Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши мумкин.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 10 ва 20-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг еттинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги 368-III-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти»нинг 46, 47, 53, 54, 71 — 74-моддалари, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 10 ва 20-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг еттинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-I-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти»нинг 7 ва 9-моддалари.*

 *LexUZ шарҳи*

*Шунингдек, қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## **26-модда. Парламент назорати тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Парламент назорати тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

*(26-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## **27-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

*(27-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

 LexUZ шарҳи

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 12 апрелдаги 71 (6506)-сонидан эълон қилинган.*

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 11 апрель,  
ЎРҚ-403-сон

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 141-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 23.05.2019 й., 03/19/540/3167-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 10.12.2019 й., 03/19/590/4129-сон; 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*

Ҳужжатда хато топганингизда, уни белгилаб Ctrl+Enter ни босинг.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси